

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

393 «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жи-
ноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-
тиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги
буйруқ ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқот-
ган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2030-2*

(2011 йил 2 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромад-
ларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.,
43-сон, 451-модда) Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мах-
камасининг 2011 йил 21 майдаги 143-сон «Ўзбекистон Республикасида ли-
зинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбир-
лари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 203-модда) асосан **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валю-
тага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 34-сон «Ли-
зинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши
курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буй-
руғи (рўйхат рақами 2030, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 485-модда);

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валю-
тага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлигининг 2010 йил 6 октябрдаги 23-сон «Лизинг
хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даро-
мадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-
шиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2030-1, 2010 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 396-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

38 (486)-сон

— 23 —

393-394-моддалар

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Бошлиқ в.б.

Б. ЗИЛЯЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 август,
29-сон